DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7634367 Pages: 544-550




WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ ЁШЛАР ОНГИГА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-АҲЛОҚИЙ МОҲИЯТИНИ СИНГДИРИШДАГИ РОЛИ

***Iroda Sirojiddinova***
*Associate Professor of "Department of Humanities"*
*Faculty in Andijan Machine-Building Institute.*
***E-mail:*** *siroziddinovairoda@gmail.com*

**Kalit so'zlar:** Метод, методология, касбий маҳорат, педагогик таълим, инновацион таълим, шахс, мотивация, рақамли технология, интеллектуал, касбий таълим, парадокс, контраст.

**Annotatsiya:** Мақолада талаба-ёшларга касбий таълимнинг ижтимоий-аҳлоқий моҳиятини сингдиришда педагогик маҳоратнинг ролига эътибор қаратилган. Педагог аввали ўз касбининг моҳир устаси, назарий ва амалий тажриба ёшларда касбга бўлган мехр-мухаббатнинг аҳлоқий қадрият сифатида англашга ёрдам беради, методик маслаҳат вазифасини бажаради.

# THE ROLE OF PEDAGOGICAL SKILLS IN IMMIGRATION OF THE SOCIAL AND ETHICAL ESSENCE OF VOCATIONAL EDUCATION IN THE MIND OF YOUTH

**Key words:** Method, methodology, professional skill, pedagogical education, innovative education, personality, motivation, digital technology, intellectual, professional education, paradox, contrast.

**Abstract:** The article focuses on the role of pedagogic skill in inculcating the socio-ethical essence of professional education to students. A pedagogue is first of all a skilled master of his profession, theoretical and practical experience helps young people to understand love for the profession as a moral value, performs the role of methodical advice.

# РОЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАВЫКОВ В ИММИГРАЦИИ СОЦИАЛЬНО-ЭТИЧЕСКОЙ СУЩНОСТИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В МЫСЛЕ МОЛОДЕЖИ

**Ключевые слова:** Метод, методология,профессиональное мастерство, педагогическое образование, инновационное образование, личность, мотивация, цифровые технологии, интеллектуальное, профессиональное образование,парадокс,контраст.

**Аннотация:** В статье акцентируется внимание на роли педагогического мастерства в привитии студентам социально-нравственной сущности профессионального образования. Педагог – это прежде всего искусный мастер своей профессии, теоретический и практический опыт помогает молодежи понять любовь к профессии как нравственную ценность, выполняет роль методического совета.

Ёш авлод тарбиялашда унинг маънавий-аҳлоқий дунёқарашини шакллантиришда педагогик таълимнинг аҳамияти улкан. Маънавий-аҳлоқий меъзонларни талаба-ёшларда ижтимоий эҳтиёж даражасидаги иммунентга айлантиришда эса, педагогларнинг, таълим ижодкорларининг маҳорати муҳим роль бажааришига шубха йўқ. Айни пайтда ғоявий-аҳлоқий, илмий-назарий сифатларни белгиловчи ижтимоий-гуманитар ҳамда педагогиик соҳаларга эътибор сусайгани ҳам рост гап. Бу айниқса олий таълимнинг техник йўналишларида кўзга яққол ташланади. Уларда дарс соатларини қисқартириш, баъзи назарий-методологик фанларни биринчи босқич талабалар дарс юкламасига тушуриб қўйиш, биринчи блок фанларига эътиборсизликда намоён бўлмоқда.

Холбуки мухтарам Президентимиз “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да бу ҳақида хавотирлик билан қатъий равишда таъкидлаб ўтган. “Миллий маънавиятимизни ривожлантириш уни халқимиз, айниқса ёшлар ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги вақтда бу фанлар ривожи, улар мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва оптималлаштириш жараёни замондан ортда қолмоқда”.[1.Б.250]

Кейинги пайтларда олий таълимда бошланғич ва умумтаълим мактабларида ҳам дарсликлар мазмуни усул ва услубларида ҳар йили ўзгариш бўлмоқда. Албатта, бу яхши лекин талаба ва ўқувчиларда ўзлаштиришда муаммолар келтириб чиқарилмоқда.

Табиий илмий ва техник технологик соҳаларда бу тахсинга сазовор бўлиши мумкин, аммо ижтимоий-гуманитар соҳаларда, маданият, аҳлоқ миллий ва диний тарбияга оид соҳалар бизнинг менталитетга зид келиши мумкин. Юмшоқ қилиб айтганда беандишалик, бетгачопарлик, устоз ва муаллимларга беписандлик билан қараш одатий ҳолга айланиб қолмоқда. “Одобнома”, “Этика”, “Эстетика”, “Маданиятшунослик”, “Касб этикаси” ва “Психология” каби фанларга эътибор тобора сусайиши, “Фалсафа” фани дунёқарашнинг

асоси эканлиги педагогика ва психология каби инсон онги ва қалбига йўналтирилган фанлар техник йўналишдаги таълим муассасаларда оҳирги ўринга тушиб қолмоқда. Бу фанларни ўқитиш учун тажриба ва чуқур билимга эга бўлган педагогларга эҳтиёж катта. Бундай мафкуравий-тарбиявий аҳамиятга молик фанларни ўқитиш ўз навбатида, сиёсий-ғоявий, билимли, юқори малакали педагог кадрларни жалб этишни талаб этади. Аммо, ўрта-миёна иш ҳақи, нуфузли педагог, профессор-ўқитувчининг эҳтиёжига мос моддий таъминот, иш ҳақини ҳам тақозо этади.

Президентимиз, Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Маънавият-сизлик ва ғоясизлик ҳар қандай жамиятни таназзул сари етаклаши, давлат сиёсати ва бошқарувини кучсизлантириши, коррупция, жиноятчилик ва аҳлоқсизлик каби иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши билан боғлиқ мисолларни инсоният тарихидан кўплаб келтириш мумкин”.

Талаба-ёшлар ҳар доим замон билан ҳамнафас, ҳозирги замон ахборотлашув ва глобаллашув жараёни ёшларга маданий, аҳлоқий, мафкуравий жиҳатдан ҳам ижобий ҳам салбий таъсири тобора ортиб бораётгани сир эмас. Ҳолбуки, педагогдан тарбиячи таълимнинг энг замонавий инновацион усулларидан фойдаланишларини тақозо этади. Яъни замонавий педагогдан ҳар доим ўз касбий, илмий, методик ва методологик маҳоратини юксалтириб бориши ижтимоий эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Зеро, илғор педагогик технология, таълимга инновацион ёндашув, ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш каби методларнинг педагогик маҳорат билан уйғунлашуви кутилган натижани беради. Жумладан, шахснинг тайёргарлик даражасини баҳолаш, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик педагогикаси, гуруҳларга бўлиш, кичик гуруҳларда ишлаш йўллари-усуллари таълим технологиялари самарадор-лигини оширишга кўмак беради.

Албатта, талаба-ёшларга чуқур назарий, маънавий-ахлоқий ва юқори касбий таълим-тарбия беришда, педагогнинг касбий компитенцияси ҳам касбий таълимнинг энг муҳим компонентларидан биридир.[2.Б.89]

Шу мақсадда компитенцияга эътибор қаратсак унинг тамойиллари кўп тармоқли, кенг таркибий қисмлардан иборат эканлигини кузатамиз:

**Компетенция** (**лотин** competere – **лойиқ, мос, мувофиқ, яроқли** деган маънони англатади) – билим, амалий кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётда дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва қўллай олиш қобилиятидир.

**Касбий компетенция**

- Педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш;

- Ўз устида ишлаш;
- Таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш;
- Ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш;
- АКтни билиши;
- Таълим муҳитига янгилик киритиши;
- Ўз фанини мукаммал билиши;
- Ҳорижий тиллардан бирини билиши;

**Шахсий компетенция**

- Мулоқотчанлик;
- Бағрикенглик;
- Етакчилик;
- Фаоллик ва ташаббускорлик;
- Мослашувчанлик;
- Соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- Масъулиятлилик;
- Ишчанлик;
- Инсонпарварлик;
- Маданиятли;
- Умуминсоний қадриятларга эгалик;
- Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш;
- Бошқа миллатларнинг маданиятини хурмат қилиш;

**Махсус компетенция**

- Фанга оида махсус методикаларни билиш;
- Ўқувчилар эҳтиёжини билиши;
- Турли ёш хусусиятларини билиши;
- Таълимни табақалаштириш;
- Инклюзив таълимдан хабардор;

**Коммуникатив компетенция**

- Жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта ҳорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- Ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- Ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;

- Мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билиш;
- Турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенция**

- Жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;
- Ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуларини билиши, унга риоя қилиш (яъни харидор, сайловчи, мижоз, ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юрита олиш);
- Меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданияига эга бўлиш;
- Касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш.

**Умуммаданий компетенция**

- Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;
- Бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш;
- Ораста кийиниш, юриш-туришда маданий меъёрлаарга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни (урф одатлар, маросимлар, миллий-мадааний анъаналар ва ҳ.к.) билиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- Ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник ҳусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш.

Фикрларимиз ва кенг маънодаги таълим тарбия мазмуни бойитишга қаратилган кичик сайъи-ҳаракатларимизни ишончли бўлишига интилиб, ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси”да ҳозирги замон таълим-тарбия соҳасидаги қўйилган муҳим вазифалардан бирига эътибор қаратамиз: “Таълим тизимининг маънавий-аҳлоқий мазмунини ошириш, ёшларга мустақиллик ғояларига, миллий анъаналарга содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли иш олиб бориш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”.

Қадимдан “Бола азиз, тарбияси ундан азиз” дейилган удум, халқ тилидаги қадрият бор. Ҳазрат Навоий “Мухокаматул - Луғатайн” асарида таълим берувчи – муаллим (педагог) ва таълим олувчи бола (талаба - ис) муносабатларига ўта жиддий эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхониш,

Пан таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш.[3.Б.676]

Таржимаси: “Муаллим-ишқдир, ақл пири-сабоқ олувчи боладир, болага адаб бериш учун фалак айланувчи чарх бўлади”. Бунда қадимда мактабларда “фалак” дейилган тарбияланувчи болаларга нисбатан ишлатилган азоб берувчи қуролга (фалак, осмон, айланувчи) ишора қилинмоқда. Алишер Навоийнинг “Ситтаи зарурия” таркибидаги олти қасидадан бири.

Ҳозирги замонда ижтимоий-гуманитар фанларда бўлганидек, педагогикага оид фанларда ҳам келажакка чуқур ишонч, илмда тинмай изланувчанлик, касбига содиқлик, кенг маънодаги компетенция, замонавий инновацияларга синчковлик билан ёндашиш, зукколик билан танлай билиш, кўр-кўрона тақлид қилмаслик бугунги кун талабидир дейиш ҳақиқатга яқиндир.

Муаллим-устоз-педагог қадимдан эъзозланган, пир даражасига кўтарилган, қадр-қимматли бўлган. Демак, педагог маҳорати, илм-закоси, жамиятдаги мавқеи, ҳар қандай “билимдонлик”дан юқори турган. Таълимдан мақсад талабага, ўрганувчига мустақил бўлишни ўргатиш-ўз кучи, иродасига таяниш, онгини уйғотиш, ўз-ўзини танишга, англашга ёрдам беришдан иборат. Тайёр билим, назария, концепция, ақидаларни ёд олиш, тақлид қилиш, такрорлаш, талабани мустақил фикрлашдан чалғитади. Бизда билим олсанг, касб ўрганиб диплом олсанг, “дипломли мутахассис” бўлсанг фаровонликка йўл топасан деган ақида мавжуд. Аммо “моддий фаровонлик” инсонга фақат бахт-саодат келтиролмайди. Ўтмиш донишмандлари буни кўп такрорлаган. Шарқу-Ғарб кишисининг фаровонлик ва бахт тўғрисидаги тушунчаси, турмуш тарзи каби турфа-тумандир. Шу ўринда ҳозирги замон хинд файласуфи Отонинг “Сир” деб номланган асарида Ғарб дунёси кишисининг бугунги қиёфаси, бахт тушунчасининг парадоксал маъноси ҳақидаги фикрини келтиришни жоиз деб билдик:

“Ғарб мамлакатлари одамзод минг йиллардан буён интилиб келган ҳамма мўл-кўлчиликка эришди... улар моддий фаровонлик ва бойликка эришгандан сўнг энди ҳаддан ташқари чарчаб, тинкаси қуриди. Ташқаридан қарасангиз ҳамма нарсаси бор, лекин ўз қалби билан алоқаси узилган... ғоят улкан зиддият юзага келди. Бойлик бор-у, лекин одам ўзини бой ҳис қилмайди, аксинча, у ўзини ўта камбағал, қашшоқ ҳис этади... Сиз ташқи бойликка эга бўлгандагина, унга қиёсан, ўз ички қашшоқлигингизни ҳис қиласиз... Сиз оқ

бўр билан қора доскага ёзяпсиз, нега оқ доскага эмас. Сабаби оқ бўрдаги ёзув фақат қора доскада кўринади. Контраст зарур”. [4.Б.67]

**Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда бугунги таълим-тарбия жараёни умумий ижтимоий тараққиётдан ортда қолмоқда. Ягона миллий тарбия ва замонавий тарбия дейиш мумкин бўлган стратегик дастур, программа етишмаётгандек.

Айрим олийгоҳ раҳбарларида чет эл таълим андозасига эргашиш, қолиб олиш тенденцияси йўқ эмас. Аммо, биз Шарқликмиз, Ғарб маданияти, турмуш тарзи, айниқса, ахлоқий (диний қадриятлари) мехнатга, оилавий тарбияга, мустақил фикрлаш, одамийлик муносабатларига бўлган анъанавийлик ва “ўзлик” жиҳатларига эътибор муҳим ва долзарб бўлиб қолаверади.

**Таклиф ва тавсиялар**

1. Сифатли таълим бугунги кун таълим-тарбия соҳасининг долзарб муаммосига айланган экан, бизнингча аждодлар қолдирган бой илми-маданий меросни чуқур ўрганиш ўз аҳамиятини камайтирмайди.
2. Аниқ фундаментал фанларни асосли, чуқур ўрганмасдан, ижтимоий-фалсафий дунёқарашни мустахкамламасдан, ёшларга замонавий инновацион таълим, креатив фикрлашни сингдириш, прагматизм ва енгил-елпилик коньюктивизмга яъни “ўта ҳозиржавоблик”ка олиб келиши мумкин.
3. Инновация ва кибер этика аввало ёшлардан ўз она тили, миллий педагогика (миллий аҳлоқ-одоб меёрлари, кўникмалари) ва албатта дунёвий-илмий-мулоқат тиллари бўлган, инглиз, рус, (немис, араб-форс) тилларини ўрганишни ва шу тилдаги адабиётни ҳам ўрганишни тақазо қилади.
4. Информацион – технология замони – ёшлардан, тарбияланувчидан, ҳозирги замон техникаси, технологияларни ўрганишни талаб этади.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

[1]. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2022 й, 250, 274 бетлар.
[2]. Iroda SIROJIDDINOVA Society and innovations Journal. Методика смешанной отборки при комплексном проектировании профессиональной подготовки будущих инженеров. Special Issue – 07 (2022) / ISSN 2181-1415. 87-92
[3]. Алишер Навоий, тўла асарлар тўплами, 10 т. Тошкент, 2021 й, 529 бет. Изоҳ, ўша жойда 676 бет, 58 рақам
[4]. Ошо, Сир. (Сўфийлик ҳақида суҳбатлар). Жахон адабиёти. Август, 2021 йил, 67 бет.